



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (11.962)

Баҳоси эркин нархда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Жорий йилнинг 20-31 июль кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.



Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлигига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

Унда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат ва суд органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда Президент Ислоом Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш вазифаси мамлакатимиз Конституциясида мустақамлаб қўйилган, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ҳамда бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилган устувор тамойилларга асосланган таъкидланди. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда демократик ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бермоқда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни янада юксак даражага кўтармоқда.

Семинар қатнашчилари истиқлол йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳалари тизимли равишда босқичма-босқич демократлаштирилаётгани ва эркинлаштирилаётгани, жумладан, ўлим жазосининг бекор қилингани, «Ҳабеас корпус» институти жорий этилгани, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка босқичма-босқич имплементация қилинаётганини қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент халқаро аэропортида голиб спортчиларимизни тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мухлислар кўтиб олди.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислоом Каримов раҳнаомлигида кўплаб спорт турларини, жумладан, боксни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор самарасида мамлакатимизда камол толган ўнлаб чарм кўлоқ усталари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб ўрин эгалламоқда.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси – АІВА томонидан 2001 йилда асос солинган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистонлик истеъдодли спортчилар мунтазам иштирок этиб, доимо совриндорлар сафидан жой олмоқда.

Бу галги жаҳон чемпионатида қирқдан зиёд мамлакатдан уч юз нафарга яқин боксчи ўн уч вазн тоифасида рингга чиқди. Жорий йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланган мазкур спорт анжуманида терма жамоамиз аъзолари – Ойбек Шарипов ва Алиёр Норалиев ғалабалари эвазига икки маротаба Ўзбекистон байроғи билан кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси баралла янгради.

Чемпионат бешлашувларини кузатиб борган мутахассислар Ойбек Шариповнинг маҳоратини юқори баҳолади. Кучли ва аниқ зарба бериш қобилиятига эга боксчимиз энг оғир – вазни 80 килограммдан ортқ боксчилар ўртасидаги саралаш учрашув-

ларида украиналик Артём Верхогляд ва таиландлик Тиарни Таронани биринчи раундда, чемпионликка асосий даъвогарлардан ҳисобланган россиялик Ҳожиакбар Мамаковни 18:11 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи финал баҳсида қозоғистонлик Дидар Тўлеген устидан 14:10 ҳисобида зафар кўчди.

57 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Алиёр Норалиев кетма-кет

гистонлик Аян Калибековни 9:7 ҳисобида мағлубиятга учратди. Россиялик Шамил Малсаговга қарши финал баҳсида ҳам сўнгги сонияларгача курашди. Лекин тажрибали рақибнинг 14:15 ҳисобида кўли баланд келди.

Шунингдек, терма жамоамиз аъзоларидан Улугбек Абдуқаюмов ва Акбаржон Мелизиев ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатининг бронза медал билан тақдирланди.

Умуман, 2001-2011 йиллар давомида АІВА томонидан ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳамюртларимиз саккиз олтин, ўн кумуш ва ўн беш бронза, жами 33 медал жамғариб, терма жамоамиз дунёдаги энг кучли тўрт жамоадан бирига айланди.

Боксчиларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришяётганида юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар муҳим омили бўлаётди, – дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси катта мураббийи Ҳамид Жангрибергенов. – Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўзини кўрсатган шогирдларимиз орасидан яқин келажақда Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ҳам шохсупага кўтарилишга қодир боксчилар етишиб чиқишига ишонамиз.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
Байрам АЙТМУРДОВ,
Ўза мухбирлари**

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

беш учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Кучли техника, мустақам ҳимоя ва тезкор зарбага эга боксчимиз чемпионат давомида туркиялик Текин Инакни 14:11, ирландиялик Каомихин Агяркони 12:9, покстонлик Ҳасан Маҳмудни 6:2, ҳиндистонлик Сандип Кумарни 10:4 ҳисобида енгди. Финалда Жанубий Корея вакили Ин Пё Хонгдан 9:7 ҳисобида устун келган Алиёр Норалиев ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Истеъдодли боксчиларимиздан Исроил Мадримов чемпионатнинг ҳар бир жангига ўзига хос тактик усуллардан фойдаланиб, муҳлису мутахассислар эътиборини қозонди. Чаққон ва дадил ҳаракатлари билан рақибларига кўп ва аниқ зарба бера оладиган спортчимиз финалгача литвалик Владимир Поповни 16:5, руминиялик Мариан Питани 23:11, шотландиялик Фрезер Горрни 9:8, қозо-

Шаҳар фаоллари йиғилиши

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Шаҳар фаолларининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ҳамда мамлакатимиз Президенти томонидан жорий йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йиғилиш давомида пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, биринчи навбатда саноатни ривожлантириш ҳисобида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг асосий соҳа ва тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш юзасидан

олиб борилаётган ишларнинг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Раҳмонбек Усмонов қайд этиб ўтганидек, парламент палаталари қўшма қарорининг қоидаларига риоя этган ҳолда пойтахт тўзимлари ишини танқидий таҳлил этиш ва шу тариқа ижроия ҳамда ҳўжалик бошқаруви органларининг биринчи галдаги вазифаларини белгилаб олиш талаб этилади.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ҳудудий маҳсулот 5,9 триллион сўм ҳажмида, яъни ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14 фоизга ортиги билан таъминланган. Жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 110,6 фоизни, қўшимча маҳсулотлари ҳажми —112,8 фоизни, пудрат ишлари ҳажми — 129,3 фоизни, кўрсатилган хизматлар ҳажми — 120,7 фоизни ташкил этди. Ҳисобот даврида экспорт қилинган хизматлар ва маҳсулотлар ҳажми 18,5 фоизга оширилди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фазлитдин Зияев иқтисодиётнинг асосий йўналишлари бўйича эришилган натижаларга изоҳ бериш қаторида, айрим туманларда, хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улушини ошириш, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳисобида ушбу соҳани янада ривожлантириш юзасидан белгиланган башорат кўрсаткичлари таъминлангани сабабларига алоҳида тўхталиб ўтди. Чунончи, 25 та корхонада саноат маҳсулотлари 77,2 миллиард сўмга кам ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатлари 17 та корхонада 16,6 миллиард сўмга пасайиб кетган.

(Давоми 3-бетда)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида 8-12 ёшли ўсмир-ёшлар ўртасида «Ўзбекистоним — фахрим» шиори остида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 86-мактаб қошидаги болалар оромгоҳида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Кувноқ стартлар» мусобақалари бўлиб ўтди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман бўлими ҳамкорлигида Сергели туманидаги «Олимпия умидлари» спорт мажмуасида гимнастарада мусобақалари ташкил этилди.

✓ **«ЖАНГОҲ»** маҳалла гузариде ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадиде «Обод маҳаллам» акцияси доирасида ўтказилган тадбирга «Камолот» ЁИҲ фаоллари жалб этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жойларда жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан, Андижон, Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятлари фаолларининг йиғилишларида 2011 йил биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда галдаги энг муҳим устувор вазифалар муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича 2011 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

• Сирдарё вилоятида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИҲ томонидан уюштирилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва ёшлар иштирок этди. Фестивал доирасида туман ва шаҳарларда ташкил этилган давра суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда хайрия тадбирларида 15 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди.

• Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ташкил этган семинарда Ер кодекси, «Давлат кадастри тўғрисида», «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар ижроси, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳақида сўз юритилди.

• «Андижонни обод ва кўркем қўшага айлантирайлик!» шиори остида ўтказилаётган анъанавий тадбирда вилоятнинг барча туманлардан аҳолиси фаол иштирок этмоқда. Балиқчи туманида ўтказилган тадбирда «Гуллар сайли», «Хунармандлар кўргазмаси» каби кўрик-танловларда кўпчилик иштирок этди. Шу кун вилоят ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган 30 та оиланинг фарзандларига сунган ва никоҳ тўйлари ҳам ўтказиб берилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Сенати техник дефолтга учрамаслик учун 2013 йилгача мўлжалланган инкирозга қарши чоралар дастурини қабул қилди. Ушбу ҳужжатни мамлакат президенти имзолади. Мутахассислар инкирозга қарши чоралар дастури АҚШнинг кредит рейтингига таъсир этиши мумкинлигини айтмоқдалар.

• Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатида ичида 60 нафар йўловчи бўлган автобус кўприқдан ўтаётганда дарёга кулаб тушди. Фалокат натижасида 26 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 киши тан жароҳатлари олди, қолган йўловчиларнинг эса бедарак йўқолганлиги маълум қилинди. Дастлабки таҳминларга кўра, бахтсиз ҳодиса транспорт воситаси гилдирагининг ўз ўқидан чиқиб кетиши натижасида юз берган.

• Кеча Россиянинг Астрахан ва Қозон шаҳарларида десантчилар кун байрами нишонланиши чоғида оммавий тартибсизликлар юзага келди.

• Рейн дарёсининг Германиядан оқиб ўтувчи қисмида кема қатнови вақтинчалик тўхтади. Бунга иккита сув транспорт воситасининг ҳалокати сабаб бўлган. Улардан бири Лорелей худудида кучли оқим тўфайли бошқарувни йўқотиб, қояга тўқнашиб кетган бўлса, иккинчи кема соҳил қумларига тикилиб қолган. Ушбу кўнгилсиз ҳодисалар натижасида кишиларга зарар етмаган.

• Кеча триатлон бўйича жаҳон чемпиони литвалик Видмантас Урбанас дам олмасдан Байкал қўлини сузиб ўтган ҳолда ўзига хос рекорд ўрнатди. Урбанас ушбу улкан масофани сузиб ўтиш учун 17 соат вақт сарфлаган. Қўл сувининг атиги беш даража илиқлиги ҳам сузувчининг рекорд ўрнатишига халал бера олмади.

• Кариб денгизидан гиёҳванд моддалар ортлган сув ости кемасини излаш амалиёти муваффақиятли якунланди. Айтиш керакки, жиноятчиларга тегишли мазкур кема бундан бир неча кун илгари Гондурас қирғоғи яқинида чўктириб юборилган эди. Маълумотларга кўра, унинг бортида умумий қиймати 180 миллион долларлик, оғирлиги 7,5 тонна кокаин борлиги аниқланган.



БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА (2001 йил)

2001 йил мамлакатимизда «Оналар ва болалар» йили бўлди. Амалда соғлом авлод тарбияси йўналиши бу йилда ҳам изчил давом эттирилди. Йил давомида 6 февралда қабул қилинган «Оналар ва болалар йили» Давлат дастури ижроси таъминланди.

2001 йилдан бирданга ҳам янги аср, ҳам янги минг йиллик кириб келди.

Янги йилнинг дастлабки иш кунларидан бирида – 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Бу қонуности ҳужжати ҳозирги кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Давлат ва жамият Конституциясиз яшаши мумкин эмас. Конституцияга шунчаки ҳужжат деб қараб бўлмайди. Унинг ҳар бир бўлими, боби, моддаси, банди олам-олам маъно-маъзунга эга, уларнинг ҳар бири муайян ҳуқуқ, эркинликни қафолатлайди, тегишли бурчни қайд этади. Шунинг учун ҳам Асосий Қонуни мизни ўрганиш фуқаро зиммасига изчил ва мунтазам давом этадиган масъулият юклайди. Айтилик, Конституцияга биноан, ҳеч кимга ўзини бошқалардан баланд тутиш, чексиз имтиёзларни қўлга киритиш, бошқалар манфаатлари ҳисобига ўз нафсини қондириш ҳуқуқи берилмаган.

Орадан роппа-роса икки ҳафта ўтиб, яъни 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини таълим тизимида (умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, бакалаврият ва магистратурада) фан сифатида ўқитиш жорий этилди. Шу тариқа мамлакатимизда миллий ғоя ва мафкура фанининг алоҳида бир соҳаси сифатида шаклланиб, йилма-йил тараққий этиб бораётган.

Собиқ шўро давлатининг туғиши билан мустақил давлатларга айланган мамлакатлар ўртасида кўп эски алоқалар узилган, уларни янги шариоғта, тенг манфаатдорлик асосида қайтадан изга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган эди. 2001 йилнинг 25 январидан «Тошкент – Москва – Тошкент» йўналиши бўйича йўловчи поезда қатнай бошлади. 15 мартда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ишга тушди. 17 мартда эса 224 километрни «Мискин – Учқудук» темир йўли қурилиши якулланди. Бу келажақда «Учқудук – Нукус» темир йўлини қуришда катта бир пойдевор эди.

Январ ойида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтди (09.01), «Умид ниҳоллари» ўйинларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди (19.01), Тошкентда Марказий Осиё давлатлари иштирок этган «Сув – келажақ захираси» шiori остида семинар-тренинг ўтказилди (24.01).

2 февралда Чирчик шаҳрида газ ҳайдаш компрессорларини қайта таъмирлашга итисослашган «US-DR сервис маркази» Ўзбекистон – Голландия қўшма корхонаси ишга тушди.

2001 йили халқимиз башарият ақл-тафаккури ва бадиият оламидаги улуг зот, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллик муборак тўйини нишонлади. Асосий тантаналар шoir номи билан аталган шаҳарда бўлиб ўтди.

Бағри бутун халқ байрам қилади. Бағри бутун халқ деган ифода замирида эса олам-олам маъно ётибди. Бунинг учун, аввало, халқнинг эрки ўз қўлида бўлиши керак. Ана шунда у ўз меросига эга чика олади, минг-минг йиллик тарихи билан бутунини мустақам ришталар орқали боғлаб, келажақ сари дадил қадамлар ташлайди. Халқ ўтмишдан қуч-қувват, салоҳият, ақл-заковат излайди ва топади.

Шу маънода Алишер Навоий – биз учун ниҳоятда буюк бир факулподда ҳодиса. Унинг ҳаёти ва фаолияти ўзбек халқининг жаҳон сахнасида бор бўй-баста билан намойиш бўлишини таъминлади. Буюк соҳибқирон Амир Темура халқимизнинг сиёсий-давлатчилик салоҳиятини кўз-кўз қилган бўлса, Алишер Навоийнинг маънавий-маърифий жиҳатдан нақадар баланд поғоналарга кўтарилганини намойиш эта олди. Ҳеч муболагасиз айта оламизки, шoir мероси – халқимизнинг XV асргача бўлган фикрий-ҳиссий тараққиётини кўрсатадиган бой бир қомус сифатида ниҳоятда қадрили ва ардоқли. Шунинг учун XVI аср бошигача бўлган тарихимизни бу буюк мутафаккир асарларисиз тасаввур қилишимиз ҳам, ўрганишимиз ҳам асло имомиз йўқ.

Шoir тўйига бағишланган тантаналар ҳар кимни, аввало, шулар ҳақида ўйлашга ундайди. Бу байрам иштирокчиси камида тўрт муҳим жиҳатнинг гувоҳи бўлди.

Биринчиси шuki, Навоий шаҳрида 103 гектарлик янги ажойиб бог барпо этилди. Унинг марказида шoirнинг муҳташам ҳайкали тикланди. Унинг саҳнида амфитеатр қурилди. Бу ер ажойиб байрамлар, маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиладиган майдонга айлантирилди.

Мир Алишер қурдирган кўплаб масжид, мадраса, хонақо, рабoт, кўприк, беморхона, ҳовуз ва ҳаммомлар, барпо этган бог-роғлар унинг замонасининг буюк бунёдкорларидан бири бўлганини кўрсатади. Навоий шаҳрида бу богнинг бунёд этилиши, ана шу тантаналар муносабати билан, умуман, бу ерда амалга ошirilган улкан ободончилик ва таъмирлаш ишларида халқ худди ўша замоналардагидек хашарга чиқди ва шу тариқа ўз меҳнати билан

амалда улуг шoirи ва мутафаккирига чексиз ҳурматини ифодалади.

Иккинчи жиҳат шундан иборатки, ана шу богнинг тантанали очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ёрқин нутқ сўзлади. Навоий ҳазрат инсоннинг инсондай яшашини орзу қилгани ва шуни умр бўйи тарғиб этганини айтиб: «Биз ҳам шунини истаймиз. Бу йўлда қўлимиздан келган барча ишни қилишга тайёрмиз. Одам дунёга келиб, бахтли яшаши, яйраб-яшнаши, ўз меҳнатидан завқланиши, инсондай дам олиши, бог-роғлардан баҳра топиши керак», – деди.

Халққа хизмат шoir ҳаёти ва ижодининг бош ғояси эди. Президентимиз таъкидлаганидек: «Агар шoir асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида «халқ», «эл», «улус», «юрт», «райят» деган сўзларнинг «меҳр», «мурувват», «оқибат», «саховат», «садоқат» сўзлари билан узвий боғлиб кетганини кўрамиз».

Чиндан ҳам, навосиз улуснинг навобахши бўлиш бир умр Навоийнинг асл мақсади эди. Навоий ўз даврининг маънавий раҳнамоси эди. Ижод ахлига яратиш завқини юқтирар, улардан моддий ва маънавий ёрдами аямас эди. Кўплар асарлари шу буюк зотнинг яхши баҳосини олишини орзу қилар эди.

Учинчи муҳим жиҳат шuki, шаҳардаги шoir қаҳрамони номи билан аталадиган муҳташам «Фарҳод» маданият са-

тон шаҳрида Хотира хиёбонлари барпо этилди (09.05), Шаҳрисабзда Амир Темура номидаги маданият музейида рамзий Тинчлик устунининг ўрнатилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди (18.05), Андижон шаҳридаги Бобо-саддан маҳалласидан қадимий мис тангалар топилди, бу тангалар 1428/1429 йилларга тегишли бўлиб, Мирзо Улуғбек даврига тўғри келади, «Ватанларвар» ташкилоти ҳузурида «Шонли Ватан тарихи» музейи очилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 – 2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш», «Интернет-нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Июнь ойида Хитойнинг Шанхай шаҳрида Ўзбекистоннинг «Шанхай форуми»га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиши тўғрисидаги баёноти имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифи билан «Шанхай форуми» номи «Шанхай Хамкорлик Ташкилоти – ШХТ» деб ўзгартирилди (14 – 15.06). Шунингдек, ой давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш тўғрисида»ги, «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди (22.05). Тошкентда мамлакатимизда ягона «SOS» – Болалар маҳалласи» очилди.

Июль ойида АҚШда фахрийлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Фарҳод Оғаев чемпион унвонига сазовор бўлди, Чирчикда мамлакатимиз Куролли Кучларининг барча қўшин турлари учун сержантлар тайёрлайдиган мактаб очилди (06.07). «Ўзқўргазмасавдо» марказида ёшлар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича тўққизинчи жаҳон чемпионати бошланди (09.07). «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони тасвир этилди (18.07).

Августда Тошкентнинг Юнусобод туманида сув спорти саройи қурилди, «Тошкентленд» боги мажмуи яқинида «Япон боги» очилди. «Матиз» русумли автомобилнинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди (17.08). Тошкентда теннис бўйича «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти» (UN Сир) халқаро ўсмирлар турнири бўлиб ўтди (17.08 – 01.09), Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ҳамда Япония билан хамкорликда «Қабул – Фарғона компания» тўқимачилик қўшма корхонаси ишга тушди, «Шарқ тароналари» учинчи халқаро мусика фестивали очилди (26.08), 29 августда Тошкент шаҳридаги Яққасарой, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов (ҳозирда Олмазор), Учтепа туманларини бир-бири билан боғловчи Кичик халқа йўлининг 7,5 километрлик масофаси фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳрида академик драма театри қайта таъмирланган биносининг очилиш маросими ўтказилди (30.08), кўп ўтмай Ҳамза номидаги бу театр номи «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталди (21.09).

Сентябрда Тошкентда теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президентини кубоги» халқаро турнири очилди (11.09), Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «Чиноз тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон – Туркия – Япония қўшма корхонаси ишга тушди, «Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари атласи» босмадан чиқди, «Мерос» илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси рўйхатдан ўтказилди (21.09).

Октябрда Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси (22.10), Ўзбекистон болалар кутубхоналарини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қўмақлашувчи хайрия жамғармаси расмий рўйхатдан ўтди (23.10).

26 октябрда Тошкент метрополитенининг узунлиги 7,6 километрлик 6 бекатдан иборат Юнусобод йўналишининг биринчи навбати, яъни «Мингўрик» бекатидан «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача бўлган қисми фойдаланишга топширилди.

3 ноябрь куни Урганчда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди, ёлгорлик мажмуи очилди. Бу билан дунёга, биринчидан, шу муқаддас асар айтин бизда – Хоразмда яратилганини, иккинчидан, бундан 27 аср муқаддас ҳам аждоқларимиз маънавият учун курашганини, учинчидан, ўша замоналарда ҳам халқимиз жаҳон тафаккури раванкига шунчалар улкан ҳисса қўшганини баралла айтдик.

Бу ойда Р. Шредер номидаги Ўзбекистон богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ташкил этилганининг 100 йиллиги нишонланди (21.11).

Декабр жуда сермазун келди. Иккинчи қақрик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасини референдуми ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинди (06.12).

11 сентябрда Америкада амалга оширилган террористик ҳаракатлар бутун башариятнинг кўзини очди. Энг муҳими, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузли халқаро минбарлардан илгари суриб келаётган давлатлари қанчалар ҳақиқат эканини яна бир қарра исботлади.

Шу йили Шўртан газ-кимё мажмуи ишга тушди (21.12), Жиззах шаҳрида «Ўзқасайд» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси ишга туширилди.

2001 йилдан Тошкентда Халқаро кураш институти фаолият бошлади.

Тарихни ўрганиш, меросни асраб-авайлаш изчил давом этди. 2001 йили ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Самарқанднинг тарихий маркази меъморий-тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

XXI асрнинг биринчи йили Ўзбекистонимизда ана шундай сермазун ўтди.

Султонмурод ОЛИМ

(Давоми бор)

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борада инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни қафолатловчи халқаро стандартларга мос қонунчилик базаси, шунингдек, уларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим тизimini яратишнинг самарали механизми шакллантирилди.

Семинарда маъруза қилган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Америка, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бўлими бошлиғи Жанни Магазенининг таъкидлашича, бундай тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг демократик туб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш тарафдори эканидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро институтлар билан амалий хамкорлик қилишга тайёрлигидан далolat беради. Жанни Магазени БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси номидан Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотларга, қонун устуворлиғи ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга юксак баҳо берди.

«Мазкур семинар БМТ билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни имплементация қилиш ва бу борада халқаро шартномаларни амалга ошириш бўйича ўзаро хамкорлиги борасидаги муҳим қадам бўлди», – деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Анита Нироиди.

«Минтақадаги мулоқот» нодалат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали директори Мьюша Север (Словения) мамлакатимизда кўп йиллардан буйи фаолият олиб бораётганини, шу боис бу ерда фуқаролик жамияти жадал ривожланаётгани, давлат органларининг нодалат ташкилотлар билан амалий ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлари қарор топаётганини гувоҳи бўлаётганини таъкидлади. Унинг фикрича, «ҳар икки томон ҳам хамкорлик қилиш ва умумий мақсадларга эришишдан манфаатдордир».

АҚШ Миллий демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Кларк Плексиконинг таъкидлашича, «ўтказилган мазкур семинар Ўзбекистоннинг халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишдан манфаатдорлигини тасдиқлайди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги зарур қонун ҳужжатлари тизими ва изчил асосда қабул қилинмоқда».

Фикр алмаштиш давомида Ўзбекистонда ушбу мавзу бўйича бундай юксак савияли халқаро тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётгани қайд этилди. Яқинда Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришнинг муҳим вазифаси» мавзусида ташкил этилган ҳамда ЕХТнинг Демократик институти билан инсон ҳуқуқлари бўйича бороси вакиллари, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатлардан экспертлар катнашган халқаро давра суҳбати ана шундай тадбирлар сирасига кирди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон шахс ҳуқуқлари ва жамиятда демократия ҳамда халқаро ҳуқуқ стандартлари принциплари асосида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш соҳасида халқаро хамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётганидан далolatдир.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ИМКОНИАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзагрошсервис» уюшмаси ҳамда «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» компанияси хамкорлигида машина-трактор паркиннинг ҳолати, аграр соҳа машинасозлигидаги янгиликларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзагрошсервис» уюшмаси раиси Б.Абдуқодиров, «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» акциядорлик лизинг компанияси бошқаруви раиси Н.Отахонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар самарасида қишлоқ хўжалиғи техникаси сервис ва лизинг хизматлари кўрсатиш изчил ривожланаётганини таъкидлади.

«Ўзагрошсервис» уюшмаси фермер ва деҳқон хўжалиқларига, қишлоқ хўжалиғи махсулотлари ишлаб чиқарувчиларга шартнома асосида сервис ва таъмирлаш хизматлари кўрсатади.

Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида юқори унумли замонавий техника сони ортиб, мулк эгаларига қирғатиладиган механизмация хизматлари ҳамжи йилдан-йилга ўсмокда.

Туманлардаги машина-трактор парклари қошида ташкил этилган ўқув-амалиёт синфлари қишлоқ хўжалиғи техникасини таъмирлаш ишларини такомиллаштириш ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув ва амалиёт жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилаётди. Уларда ҳар йили қарийб 27 миң нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўтаётгани келгусида соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Юртимиздаги етакчи лизинг компанияларидан бири – «Ўзқишлоқхўжаликмашлининг» жойларга маҳаллий ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган ўттиздан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида етказиб беримокда.

Ширкат ва фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда худудий «Қишлоқхўжаликмашлининг» акциядорлик жамиятлари учун компания хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган.

Яратилаётган қўлайлик туфайли компания хизматидан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётди. Жорий йилда 5 миңга яқин қишлоқ хўжалиғи техникасини лизингга бериш мўлжалланмокда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Танловлар

БАРҲАЁТ НАВОЛАР

Ўзни, ўзликни, миллатни ўзида жам қилган миллий чолғу асбобларимизнинг овозини, нолишини эшитган ҳар бир юртдошимиз навони дилдан ҳис қилади, ҳиссиётлари жунбушга келади.



Танлов сўнгига Юнусобод туманининг «Астро-бод» дастаси 1-ўринни, Олмазор туманининг «Сўғдиёна» дастаси 2-ўринни, Сергели туманининг «Файз» дастаси 3-ўринларни эгаллашди. Ҳолдирлик кўлга киритган жамоаларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Нигора ТўЛАГАНОВА СУРАТДА: танловдан лавҳа Қозим Ўлмасов олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ҲАҚИДА

Ўз касбини севган одамнинг — тонги равшандир.

Муҳаббатнинг баҳоси — вафо билан ўлчанади.

Ҳалоллик — қалбга нур, юракка оромдир.

Ҳалол одам — таъқибдан қўрқмайди.

Тўғрининг — тавба қилишга қуни қолмайди.

Лойқа сув — тинигини булғайди.

Ҳалолликнинг гаштини сурган — жиноятдан жирканади.

Садоқатли дўст — туғишгандан афзал.

Садоқат — кадр-қимматнинг ҳомийси.

Оқибат — инсонни улуглайди.

Оқибатдан меҳр туғилади.

Илдизнинг оқибати — барглари яшнатган.

Олтин тўй — садоқат билан оқибатнинг тантанасидир.

Вақтга оқибатли бўлган киши — орқадан қолмайди.

Келишмовчилик — оқибатнинг кушандаси.

Эътиқод — диёнат, диёнат эса номусдир.

Ғоя ва эътиқоднинг софлиги — маънавий соғломликдир.

Одамнинг мафқураси — ғоянинг ҳосилдир.

Ғояни — имон тафтишлаб туради.

Одамларни имонли қилмасдан туриб, мамлакатни обод қилиб бўлмайди.

Маънавий бойлик — қатралаб йиғилади.

Маънавий бойликни ҳеч ким тортиб ололмайди.

Қўрқоқлик — ғоянинг душмани.

Ҳурмат — ҳаёт йўллари кенгайтиради.

Одамнинг қадри — одамийлик билан.

Бевафо — бахт ўғриси.

Кичикнинг каттага бўйин эгиши — ҳаёт мувозанатидир.

Ҳурмат — унга арзиганники.

(Давоми бор)

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан кундан-кунга чирой очиб бораётган обод юртимизда шукроналик туйғусини уйғотувчи, миллийлигимиздан дарак берувчи кўпгина байрам тадбирлари ташкил этилмоқда.

Сўзимиз аввалида бежизга миллий чолғу асбобларимиз, миллий аъноларимиз сўзларига ургу бериб ўтмадик. Чунки миллийлигимизнинг ажралмас бўлаги бўлган карнай-сурнай садоларисиз умримизнинг энг гўзал, энг унутилмас паллалари — тўй-ҳашамларимиз, байрамларимизни тасаввур қила олмаймиз. Инсоннинг руҳий олами, ишқий кечинмалари куй-қўшиқда акс этади. Ана шуларни назардан қочирмаган ҳолда яқинда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Барҳаёт наволар» туркумидан миллий чолғу ижрочиларининг Республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси томонидан бугунги ёшларнинг номоддий-маданий меросимизнинг асрлар оша сақланиб кела-

ётган қадимий миллий чолғулар ижрочилигига бўлган қизиқишларини кучайтириш, ушбу мерос орқали ўзликимизни англаш, шунингдек, иқтидорли ижрочиларни кашф этиш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган мазкур танловда Бектемир туманидан «Шодлик», Миробод туманидан «Давр», Олмазор туманидан «Сўғдиёна», Сергелидан «Файз», Ҳамза туманидан «Байрам», Юнусободдан «Астробод», Яқкасарой туманидан «Карнай-сурнай» халқ жамоаси, Т. Содиқов номидаги шаҳар маданият уйидан «Сарафроз», Фафур Фулмон номидаги маданият ва истироҳат боғидан «Гулистон» дасталари иштирок этишди.

Кўрик-танловда карнай-сурнайчилар гуруҳлари қадимий халқ маросимларида ижро этиладиган ноёб, деярли унутилаёзган куйлар ва замонавий ба-стакорлар асарларини, қўшнай, чанқовуз, буламон, сибибга ва бошқа қадимий чолғуларда ўз худудларига хос бўлган тарзда ижро этдилар.

КЎРГАЗМАДА САРА АСАРЛАР

Халқ рассоми, академик Ўрол Тансиқбоев уй-музейида график рассом Нилуфар Ҳидоятваннинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган 50 дан ортиқ асарлари кўргазмаси очилди.

Мухлислар учун намойишга қўйилган экспонатларда рассом томонидан ишланган либослар дизайни, ўтмишдаги ва замонавий шарқ аёллари портретлари, китоблар ва журналларда ўз аксини топган иллюстрацияларни ва бошқа мавзуларни учратиш мумкин. Шу билан бирга уларда ўзига хосликни, Шарқ руҳини кўраемиз.



Айтиш жоизки, кўргазмадан ўрин олган асарлар санъат ихлосмандларини ҳаётни севишга, эзгуликка чорлайди, ўзликни англашга ёрдам қилади.

Нилуфар Ҳидоятван ижодий сабоқни П.Беньков номидаги рассомлик билим юртида, кейин Тошкент театр ва рассомлик институтида олган. Ижодидан кўриниб турибдики, у устозларидан олган билимларига қарамасдан, доимо ўз устида ишлади ва уни амалиётда қўллашга ҳаракат қилади. Театрда декоратор-рассом, постановкачи рассом бўлиб ишлаган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва «Сирли олам» журнали билан ҳамкорликда ижод қилиб келади.

Ҳозирги вақтда Олмазор туманидаги Ёшлар ижодиёти марказида рангташвир ва дизайнлик бўйича ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. Нилуфар Тошкентда таъсирли санъат бўйича қатор халқаро ва республика кўргазмаларининг иштирокчисидир.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ Алексей Попов олган сурат

Юртимизда спорт тобора кенгроқ оммалашмоқда. Ёшларимиз эришаётган муваффақиятлар сони ва салмоғи ортиб бораётир. Буни спортнинг техник ва амалий турлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Республика техник ва амалий спорт турлари маркази томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бераётир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг тегишли фармон ва қарорлари мамлакатимизда спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Жойларда ташкил этилган ушбу йўналишдаги спорт тўғрисида секцияларида юзлаб ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Амалга оширилаётган бундай ишчилар чора-тадбирлар натижасида ушбу спорт турлари билан шуғулланувчи ёшлар сафи кенгаймоқда. Бунда клубларро, туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика техник ва амалий спорт турлари маркази директорининг биринчи ўринбосари Шавкат Исмаиловнинг айтишича, 2010 йили ташкил этилган беллашуларда фаол иштирок этган 518 нафар йигит-қиз биринчи тоифали спортчи, 90 нафари спорт усталигига номзод ҳамда 4 нафари спорт устаси талабларини бажарган. Марказ томонидан Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларини мамлакатимизнинг чекка худудларида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларни спортга кенгроқ жалб этишга хизмат қилмоқда.

Беллашуларда ҳар томон-дир ёш спортчиларнинг турли халқаро мусобақаларда со-зриндорлар қаторидан жой олишида малакали мураббийлар ва яратилган зарур шарт-шароит алоҳида ўрин тутди. Шу боис мураббий ва

Баркамол авлод — юрт таянчи

ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Иқтидорли спортчиларнинг билим ва малакасини ошириш бўйича мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда. Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлимларида мавжуд спорт майдонлари ва иншоотлари қайта таъмирланиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Ўтган йиллари Наманган вилоятидаги, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги картадорлар қайта таъмирланган бўлса, жорий йилда Тошкент вилоятидаги мажмуа майдонлардан чиқарилди. Ҳозирги кунда эса Сурхондарё ва Навоий вилоятларидаги ўқ отиш тирлари реконструкция қилинмоқда. Сир-

дарё вилоятида янги замонавий тир барпо этилмоқда. Юртимизда киши биатлон билан шуғулланиш учун ҳам барча шароит яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган ёшларимиз ушбу спорт тури бўйича юқори натижаларга эришишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Наманган вилоятининг Чуст туманидаги ўқув-техника клуби аъзоси Мурод Ҳожибоев ана шундай ёшлардан бири. У жорий йилнинг февраль ойида киши биатлон бўйича Қозғистонда ўтказилган Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этди.

— Эндиги мақсадим 2014 йил Сочида ўтказиладиган киши Олимпиада йўлнамасини кўлга киритишдир, — дейди М.Ҳожибоев. — Юртимизда киши биатлон билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда тайёргарликни фаол давом эттирмакдаман. Айни кунларда жойларда спортнинг бир қатор техник ва амалий турлари бўйича мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган Ўзбекистон биринчилиги ва чемпионати мусобақалари юксак савияда ўтказилмоқда. Жорий йилнинг октябрь ойида эса Чирчиқдаги Жалолиддин Манғуберди номидаги спорт мажмуидида ёзги биатлон бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Халқаро биатлон уюшмаси (IBU) томонидан ташкил этиладиган мазкур мусобақани юқори даражада ўтказиш учун зарур чоралар кўрилатир.

Ҳолмурод САЛИМОВ, Ўза муҳбири

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бизнес субъектларининг барқарор фаолият юритишлари учун қулай шароит ва муҳит яратиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ҲАРАКАТЛАРИМИЗ САМАРАЛИ КЕЧСИН

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Сергели тумани ҳудудий комиссияси томонидан ташкил этилган давра суҳбати давлатимиз раҳбарининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бора-борида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланди.

— Маълумки, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши тўғрисидаги низомига кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш билан бирга, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш ишлари ҳам кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг асосий вазифаси ҳисобланади, — дейди Тошкент

шаҳар ҳудудий комиссияси масъул ходими Салоҳиддин Маҳмудов. — Тахлиллар шуни кўрсатадики, комиссиялар ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувларининг олдини олишда, бу борада айниқса назорат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишда ўз ишлари янада кучайтириши лозим. Ҳар бир туман комиссияси зиммасига текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган шарт-шароитлар бўйича ўрганишлар ўтказиш ва натижаларини комиссия йиғилишларида муҳокама қилиш юклатилган.

Тадбирда, хусусан, Сергели туманида аҳолига ижтимоий-иқтисодий масалаларда кўмак бериш, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур бўлган барча маълумотлар билан таъ-

минлаш, тегишли ҳужжатларни тайёрлашда қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган «Ягона ойна» маркази фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Туман ҳудудий комиссияси тасарруфидаги жамоатчилик кенгаши ҳам тадбиркорлик субъектларида юзга келаётган муаммоларни ҳал этишда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб, эътиборга лойиқ бўлмоқда. Мисол учун, кенгаш томонидан аҳоли гавжум жойларда, бозорлар ҳудудида, туман ҳокимлиги, прокуратура биноларида «Ишонч қутилари» ўрнатилган, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мазмунидаги эълонлар, турли хилдаги ахборот ва маслаҳатлар бериб бориш мунтазам йўлга қўйилган. Шунинг бора-борида тадбиркорлардан тушган аризалар ҳам комиссияда тезкор кўрилиб, аксарият ҳолларда ижобий ҳал этилади.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси, шубҳасиз, иқтисодий ўсишни таъминловчи восита бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт узун йўл бўлса, бу йўлнинг йўловчилари, демакки, истеъмолчилари — тадбиркорлар, назорат қилувчи органлар вакиллари, яъни ҳаммамиз бўлишимиз мумкин. Бундан ҳикмат шуки, олдинги қўйилаётган ҳар битта қадам эртаимизни белгилаб беради. Тўғри йўл танланса, ҳаракат самарали кечади ва кўзланган мақсадга эришилади.

Миржамол ҲОТАМОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёллонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2966 нуска босилади. Қозғо бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.